ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАМИЛОВА ИРОДА АБДУРАСУЛОВНА

АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ РАК ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРИНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 618.146:616-00.6.6-071-084

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Камилова Ирода Абдурасуловна
Аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослаш..... 3

Камилова Ирода Абдурасуловна
Патогенетическое обоснование диагностических и лечебно-профилатических мероприятий у женщин с предраковыми заболеваниями шейки матки..... 29

Kamilova Iroda Abdurasulovna
Pathogenetic justification of diagnostic and treatment-prophilactic measures in women with precancerous diseases of the cervix..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАМИЛОВА ИРОДА АБДУРАСУЛОВНА

АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ РАК ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРИНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2021.1.DSc/Tib503 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Пахомова Жанна Евгеньевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Зуфарова Шахноза Алимджановна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Таджибаева Юлдуз Таджибаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Кадирова Дилбар Абдуллаевна биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Россия Федерацияси Соғликни сақлаш вазирлиги Академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология миллий тиббий тадқиқот маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» февраль куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (548 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «2» февраль куни тарқатилди.
(2022 йил «28» февраль даги 26 рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили бачадон бўйни саратони (ББС) билан 570 мингдан ортиқ аёллар касалланади, бу хавфли ўсмаларнинг умумий тизимида 6,6% ни ташкил этади. Бу аёлларда саратон касаллиги учраши бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб, ҳар йили 311 минг инсонлар ўлимига сабаб бўлади. Цервикал интраэпителиал неоплазиялар юқори канцероген хавфга эга бўлган одам папиллома вирусининг (ОПВ) персистенцияси сабабли юзага келиб, «....бир неча йиллар ва ўн йиллар давомида ББС ривожланишига олиб келувчи репродуктив тиббиётнинг долзарб муаммосидир....»[1]. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ОПВнинг ўртача йиллик ўсиши икки ярим-уч миллионни ташкил этади. Симптомсиз вирус ташувчанлик учраш даражаси дунё бўйича юқори бўлиб, Россияда - 15,5%; АҚШ - 28,6%; Европада - 2-12% ни ташкил этади. ББС ривожланишининг 70% ҳолатлари 16 и 18 турдаги ОПВ сабабли келиб чиқади. Бачадон бўйни саратони (ББС) ташхисланганларнинг ўртача ёши 49 ёшни ташкил қилади. Сўнгги 50 йилда ривожланган мамлакатларда «....Папаниколау бўйича суртма ва ОПВ га қарши вакцинациянинг татбиқ этилиши касалланиш ҳамда ўлимни 75% га камайтирди....»[2]. Шундай қилиб, профилактик тадбирларни кенг татбиқ этилишига қарамай, эрта ташхислаш ва цервикал интраэпителиал неоплазияни (CIN) даволашнинг янги методларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш долзарб ҳисобланади. Ташхислашнинг сезувчан ўзига хос маркерлари, ривожланиш хавфи, текширув алгоритми ва цервикал эпителийнинг неопластик ўзгаришларини даволашни излаб топиш ҳамда татбиқ этиш цервикал эпителий онкологик трансформациясининг олдини олиш замонавий геникологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ББСни бартараф этишни тезлаштириш бўйича глобал стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, у учта асосий компонентни ўз ичига олади: эмлаш, скрининг ва даволаш. Барча уч компонентни муваффақиятли амалга ошириш 2050 йилда касалликнинг янги ҳолатларини 40%га камайтиради ва касаллик билан боғлиқ 5 миллион ўлим ҳолатларининг олдини олади. Жаҳоннинг 194 мамлакатлари қабул қилинган қарор доирасида ББС касаллигини бартараф этиш мажбуриятини олган.

---

[1]Bray F., Ferlay J., Soerjomataram I. et al. Global cancer statistics 2018: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries // CA Cancer J. Clin. 2018. Vol. 68. № 6. P. 394–424.

[2] Бандовкина В.А., Франциянц Е.М., Моисеенко Т.И. и др. Уровень гормонов в ткани рака тела матки и интактных яичниках, ассоциированный с различными вирусными инфекциями // Злокачественные опухоли. – 2014. – №3. – С. 9-14

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аёллар орасидаонкологик касалликларни эрта аниқлаш, профилактика усулларини ишлаб чиқиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда.«...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»[3] каби устувор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аёлларда бачадон бўйни саратони олди касалликларини ташхислаш, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикасисоғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[4].

Аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University (АҚШ), University of Washington (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), University of Pittsburgh cancer Institute (АҚШ), Department of public health

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

[4]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: http://oxford.university-guides.com, www.washington.edu, http://www.uic.edu, http://www.yokohama-cu.ac.jp, http://www.qdu.edu.cn, http://otolar-centre.ru, http://www.eco.unicamp.br, http://www.asu.edu.eg, http://www.fpu.ac.jp, http://www.umlub.pl, http://www.ulsan.ac.kr, http://www.units.it, https://www.uniud.it, https://www.uni-marburg.de, https://www.hu-berlin.de/en, http://www.mountsinai.org, http://www.BMJ, https://www.heidelberg-university-hospital.com, https://unige.it, http://www.ecu.edu/med, http://www.pennstatehershey org, http://www.qmul.ac.uk, http://www.pubmed ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

Sciences (АҚШ); Medical Research Council (Буюк Британия); University of New South Wales, Cancer Council New South Wales (Австралия); Catalan Institute of Oncology (Испания); Cheikh Anta DIOPUniversity (Сенегал); University of Phillipines; Global Health Academy and Usher Institute (Буюк Британия); Zhengzhou University (Хитой);Сибир Давлат тиббиёт институти (Россия); Кубан Давлат тиббиёт институти (Россия); Россия халқлар дўстлиги университети (Россия); В.И.Кулаков номидаги Федерал Давлат бюджетдан ташқари акушерлик ва гинекология, перинатология илмий маркази (Россия) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: аёлларда бачадон саратони касалликларни бартараф қилишнинг кенг қамровли стратегик тактикалари, яъни эмлаш, эрта ташхислаш, скрининг тизими, кенг қамровли тадқиқотларни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган (University of New South Wales (Австралия); EPICдастури натижасидабачадон бўйин рак олди ҳолатида гормонал ҳолатларнинг ўрни ва аҳамияти исботланган; Catalan Institute of Oncology (Испания)да цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда маҳаллий иммунитет ҳолати папиллома вируси юқиши билан ассоцирланишининг механизми ишлаб чиқилган (Medical Research Council, Буюк Британия); одам папилломаси вируси бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланишини жадаллаштириши исботланган (Сибир Давлат тиббиёт институти, Россия); маҳаллий иммунотроп даволашда рекомбинант 1β – интерлейкинни қўллаш билан мазкур касалликни патогенетик асосланган даволаш усули ишлаб чиқилган (Кубан Давлат тиббиёт институти, Россия); иммуногистокимёвий усул ёрдамида эктоцервиксда эстроген рецепторлари, 16- ва 18-тур папиллома вирусларига нисбатан антитаначаларнинг жойлашиши, апоптознинг P53 ва BCL–2 омиллари, Ki–67 га нисбатан пролифератив фаоллиги аниқланган (Oxford University, USA); гиперэстрогениянинг клиник белгилари ва эктоцервиксдаги молекуляр ўзгаришлари орасида ўзаро боғлиқлиги кўрсатиб берилган (Халқлар Дўстлиги Университети, Россия); иккита энг муҳим E6 ва E7 онкоген оқсиллар аниқланган(Weill Cornell medical college of Cornell University, USA); эндометрий гиперплазияси ривожланишини модификацияловчи хавф омиллари ва касалликни ривожлантирувчи гормонал номутаносибликни коррекциялаш зарурати исботланган, беморларнисамарали даволашдапарҳез, жисмоний машқлар ва тана вазнини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлардан даврий фойдаланиш зарурлиги асосланган (University of Pittsburgh cancer Institute, USA); цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда эндометрий гиперплазиясини ташхислашда апоптознинг аҳамияти кўрсатилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини ташхислаш, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослашни такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, цервикал интраэпителиал неоплазия билан ассоциацияланган молекуляр-генетик маркерлар полиморф вариантларининг диагностик аҳамиятли комбинациясини асослаш; цервикал интраэпителиал неоплазия хавфини диагностика қилишнинг математик усули ишлаб чиқилган; цервикал интраэпителиал неоплазия кузатилган беморларда молекуляр-генетик маркерларнинг полиморф вариантларини ташишда иштирок этувчи текширув менеджментини ишлаб чиқиш; цервикал интраэпителиал неоплазияни индивидуал даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига асосан, CIN – ОПВ-инфкцияси билан ассоциацияланган бачадон бўйнининг касаллиги бўлиб, ОПВ-инфекцияси онкологик трансформацияга ўтиш қобилияти исботланганлиги сабабли, замонавий гинекологиянинг муҳим муаммоси ҳисобланади (Аттоева Д.И. ҳаммуал. билан, 2019; Афанасьева Н.А. ҳаммуал. билан, 2019; Байрамова Г.Р., 2018; Campos-Viguri G.E. et al., 2015). Бачадон бўйнининг ўзига хос бўлмаган патология муаммосининг муҳимлиги унинг “ёшариши” билан оғирлашади (Гумилевская О.П. ҳаммуал. билан, 2016; Гумилевский Б.Ю. ҳаммуал. билан, 2019; Друх В.М. ҳаммуал. билан, 2015; Fu W. et al., 2016). Мазкур патологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ОПВ инфекциясининг юқори онкогенхавф вируси билан бирикиши ҳамда ҳар хил оғирликдаги цервикал эпителийнинг неопластик жараён ривожланишига олиб келувчи организмнинг муҳим гомеостатик тизим дизрегуляцияси – онкоген оқсиллари фаоллигининг ошиши, эндокрин баланснинг бузилиши, иммун ҳимоянинг камайиши, ҳужайралараро целлюляр матрикснинг бузилиш ўрнини кўрсатади (Дульцева Т.С. ҳаммуал. билан, 2010; Дуфинец И.Е., 2019; Забела А.В. ҳаммуал. билан, 2018; Задиашвили М.Д. ҳаммуал. билан, 2017; Ebisch R.M. et al., 2016).

МДҲ давлатлари олимларининг илмий тадқиқотларида ген гуруҳлари ёки уникал ген мутацияси билан CIN ривожланишига боғлиқ ишончли маълумотлар мавжуд эмас (Клинышкова Т.А. ҳаммуал. билан, 2012; Ковчур П.И. ҳаммуал. Билан, 2015). CINнинг мультиомилли генези ўрганилаётган патологиянинг ривожланиши билан патогенетик боғлиқ бўлган функционал жараёнларни кодлаш учун маъсул бўлган транскрипцияланган худуд ёки ДНК худудлари бўлган генлар иштирокида ташқи ва ички триггер омиллар билан белгиланади (Костин А.А. ҳаммуал. билан, 2016; Кочетова О.А. ҳаммуал.билан, 2014; Лыжко Н.А., 2017). Кўпгина тадқиқотлар, индивидуал генетик полиморфизмлар ва мРНК ассоциациясини, CINнинг онкологик трансформациясини ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини исботлайди (Богомазова Т.В. ҳаммуал. билан, 2019; Пономарева Ю.Н. ҳаммуал. билан, 2010). Ўрганилган генетик полиморфизмларнинг бошқарувчи оқсил маҳсулотлари синтези

рағбатлантирувчи ҳисобланади ва ягона генетик полиморфизм сингари генетик комбинацияларга ҳам боғлиқ бўлади, уларнинг ўзаро таъсири ўзига хос бошқарув даражаси ҳамда неопластик бузилишларнинг намоён бўлиш характерини аниқлайди (Гусаков К.И. ҳаммуал., 2019; Гарелик Т.М. ҳаммуал., 2019).

Ўзбекистонда бачадон бўйни эпителийсининг неопластик дегенерацияси ва унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг асосий регуляторлари бўлган генларни ифодалаш панеллари ва ген бирикмаларини ўрганишни кенгайтириш, мультиомил генезли патологияда: неопластик трансформация ва апоптозларнинг блокланиши, эстроген токсемия ва цервикал эпителий неопластик трансформациясида ҳужайрадан ташқари матрикс деградацияси ривожланишининг турли механизмларини кодловчи генетик детерминантларни аниқлаш имконини беради. Турли оғирлик даражасидаги бачадон бўйни неоплазияси ривожланишининг генетик предикторларини аниқлаш ривожланишнинг ҳамма босқичларида касаллик ривожланишини баҳолаш ёки даволашдан кейин қайталаниш хавфини аниқлашни, баҳолашнинг диагностик имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, CIN ривожланиш хавфи билан у ёки бу SNP ёки мРНК ассоциациясига бағишланган тадқиқотлар ўтказилган, генетик тестлаш натижалари интерпретация муаммолари ўзининг долзарблигини йўқотмайди (Ибрагимова М.К. ҳаммуал., 2016; Кадырова А.Э., 2017). Мамлакатимизда аёлларнинг турли акушерлик ва гинекологик патологияларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида қатор бажарилган ишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилган (Ж.Е.Пахомова, 2018; 2020; Ф.М.Аюпова, 2020; Ж.Ж.Қурбонов, 2020), бироқ, аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирлари патогенетик жиҳатдан асосланмаган.

Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси касаллик башоратини ва оғирлигини аниқловчи муҳим патогенетик механизмларни аниқлаш учун CIN нинг фенотипик белгилари ҳамда полиморф генлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишнинг долзарблигини кўрсатади. Бу эса, ўзбек миллатига мансуб аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг клиник омилларини баҳолашни, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиянинг ривожланиш хавфида, эстроген метаболизми ферментлари, оқсил- онкосупрессорлари ва матриксли металлопротеиназа ген полиморфизмларини аҳамиятини, клиник-генетик тадқиқот натижалари асосида цервикал интраэпителиал неоплазия хавфини ташхислаш, башоратлаш ва индивидуал даволаш усулларини ишлаб чиқиш, замонавий гинекологиянинг долзарб музокаралари бўлиб келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг №01.1500213 «Акушерлик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорат қилиш, профилактикасини олиб боришнинг замонавий

технологиялари» (2015-2018 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг ривожланиш хавфини ташхислаш ва индивидуал даволашни танлашда, эстроген алмашинуви, онкосупрессорлар ва матрицали металлопротеиназа генларининг генетик полиморфизми ролини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўзбек миллатига мансуб аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг клиник омилларини баҳолаш;

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиянинг ривожланиш хавфида, эстроген метаболизми ферментлари (CYP 1A2 гени C-734A локуси ва SULT1A1 гени G-638A локуси), оқсил- онкосупрессорлар (TP53 rs 17884159 гени ва TP53 гени Arg72Pro локуси) ва матриксли металлопротеиназа (1G/2G ген MMT-1) номзод ген полиморфизмларини аҳамиятини баҳолаш;

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларда ОПВ персистенциясида эстроген ферментлар метаболизми, матрикс металлопротеиназа ва оқсил-онкосупрессорлар номзод ген полиморфизмининг ташувчанлигининг патогенетик ролини баҳолаш;

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси билан боғлиқ бўлган, ўрганилаётган молекуляр-генетик маркерларнинг полиморф вариантларининг диагностик жихатдан ахамиятли бирикмаларини баҳолаш;

клиник-генетик тадқиқот натижалари асосида цервикал интраэпителиал неоплазия хавфини ташхислашнинг математик усулини ишлаб чиқиш;

цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда молекуляр-генетик маркерларнинг полиморф вариантларини ташишда иштирок этувчи индивидуал текширув менеджментини ишлаб чиқиш;

генетик тест натижалари бўйича цервикал интраэпителиал неоплазияни индивидуал даволаш усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси Аёллар соғломлаштириш маркази, РИАкушерлик ва гинекология ИАТМ, РИГематология ИАТМ хамда Тошкент шахар 6-сон туғруқ мажмуасида 2017-2020 йиллар давомида, фертил 18 ёшдан 45 ёшгача, ўзбек миллатига мансуб бўлган, 391 нафар аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон ва цервикал шиллиқ намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотда анамнестик, клиник, молекуляр-генетик, статистик ва математик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли функционал гуруҳларга мансуб бўлган (эстрогенлар метаболизми-CYP1A2, SULT1A1; онкологик трансформация-TP53,

матрикс металлопротеиназалар-ММР-1), CINнинг генетик жихатдан аниқланган янги патогенетик механизмларини очиш, CIN ривожланишининг торпидлик даражасини ва клиник кечиш турларини аниқлаш имконини берадиган, CINнинг фенотипик намоён бўлиши учун маъсул бўлган CINга хос генетик полиморфизмлар генетик маркерларнинг комбинациялари исботланган;

мойиллик генларини синовдан ўтказиш оркали хар бир беморда CINнинг клиник кечиш патогенезининг индивидуал механизмлари исботланган;

мультиомилли генезга эга бўлган патологиянинг ривожланиш механизмларини кодловчи, генетик детерминантларни текшириш асосида CIN кузатилган беморларда эстрогенферментлари метаболизми (С-734А гени CYP1A2 ва G-638A гени SULT1A1), оқсил онкосупрессорлар (Arg72Pro TP53 ва TP53 rs 17884159) ҳамда матриксли металлопротеиназлар (1G/2G гена ММР-1) генларининг полиморф вариантларининг ташувчанлик хусусиятлари исботланган;

CIN хавфи ошиши билан ўрганилган номзод генларнинг аҳамиятли аллел вагенотипик полиморфизм ташувчанлик частотасининг ассоциацияси, клиник кечиш оғирлиги, шикастланишнинг оғирлик даражаси, клиник белгилари, 16/18 турдаги ОПВ персистенция ва асоратлар мавжудлиги исботланган;

Аҳамиятли номзод генларнинг аллел ва генотипик полиморфизмлари ташувчанлик даржасиниинг ошиши билан неопластик трансформация даражаси ҳамда касалликнинг клиник кечиш оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

CIN ривожланиш хавфига мойил бўлган Arg72Pro TP53+TP53 rs 17884159 +G638A SULT 1A1+CYP 1A2 C-734A генотипларининг биргаликдаги патогенетик аҳамияти исботланган;

генетик маркерлар ташувчанлиги ва уларнинг комбинациясини баҳолаш асосида CIN ривожланиш хавфини баҳолашнинг математик усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

генетик полиморфизмлар ташувчанлигининг CIN ривожланиш хавфи ўртасидаги аниқланган боғлиқлик, ташхислаш самарадорлигини оширадиган ва даволашга кўрсатмалар ҳамда даволаш усулларини сезиларли даражада кенгайтирадиган янги бошқаруви тавсия қилинган;

CIN ни даволашнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириб, қайталанишлар сони ва оғирлигини қисқартирадиган янги антиоксидант ва энзимотерапиядан фойдаланиш усули тавсия қилинган;

патологияни ташхислаш, башорат қилиш ва рационал даволаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирадиган мультиомилли патология патогенезининг ҳар хил йўлларига таъсир этувчигенетик полиморфизмнинг турли гуруҳларини, CINда патологик фенотипнинг детерминланган шаклланиши, генетик вариантлари комбинацияси ҳамда генлараро ўзаро таъсири таҳлилиникомплекс баҳолаш тавсия қилинган;

патология менеджменти рационализациясини аниқлаб берадиган ва беморларни даволаш тактикасини такомиллаштирадиган генетик маркерлар ва уларнинг комбинациялари асосида CIN ривожланиш хавфининг математик усули тавсия қилинган;

генетик полиморфизмларнинг индивидуал ташувчанлик хусусияти ва уларнинг комбинацияси асосида анъанавий терапия самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган касалликни индивидуал даволаш усуллари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро хамда махаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса хамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти генларнинг полиморф вариантлари экспрессияси– цервикал эпителийнинг неопластик дегенерацияси ва унинг авж олишида иштирок этувчи жараёнларнинг асосий регуляторлари, апоптозларни блоклаш, эстроген токсемия ҳамда CIN ривожланишининг турли механизмларини кодловчи ҳужайрадан ташқари матрикс деградациясининг ўрнини аниқлашдан иборат бўлиб, патологиянинг янги генетик детерминантларини аниқлаш ва патогенез ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишланмада CIN нинг молекуляр-генетик профилини аниқлашдан иборат, у диагностик имкониятни имкон қадар кенгайтиради, касалликнинг кечиш вариантини аниқлаш, патология ривожланиш прогнозини, қайталаниш хавфи ва индивидуал терапия йўналишини аниқлашга имкон беради. TP53 онкоген оқсиллар концентрациясининг ошиши билан ассоциаялангангенетик полиморфизмларнинг функционал кучсизлашган вариантларининг ташувчанлиги; эстрогенлар токсик фракциясининг ошган концентрацияси билан ассоциациялашган цитохром-450 гуруҳ ферментлари функционал фаолллигининг камайиши; шунингдек интрацеллюляр матрикс регенератор потенциалининг бузилиши, метаболик ва гормонал силжишларни тузатувчи препаратлардан мақсадга йўналтириб фойдаланиш билан этиопатогенетик асосланган терапияни амалга ошириш; ҳамда профилли мутахассислар (онколог—эндокринолог ва онкогинеколог) билан фанлараро интеграцияни амалга ошириш ва беморлар хаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини ташҳислаш, прогнозлаш ва даволаш-

профилактик усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

цервикал интраэпителиал неоплазияни ташхислаш ва прогнозлаш асосида ишлаб чиқилган «Молекуляр-генетик хавф омиллари асосида цервикал интраэпителиал неоплазия диагностикаси» деб номланган услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 ноябрдаги№8н-р/1151-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши молекуляр-генетик хавф омилларини бахолаш асосида CINни ташхислаш ва прогнозлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

цервикал интраэпителиал неоплазияни молекуляр-генетик натижаларини аниқлаш орқали ишлаб чиқилган индивидуал даволаш усуллари асосида «Генетик тест асосида цервикал интраэпителиал неоплазияни индивидуал даволаш» деб номланган услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 ноябрдаги №8н-р/1152-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши цервикал интраэпителиал неоплазия билан хасталанган аёлларда турли фармакологик гуруҳ препаратларини индивидуал қўллашга хизмат қилган ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика, даволаш-профилактик тадбирларни патогенетик асослаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника ва 6-сонли Тошкент шаҳар туғруқ мажмуасининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 декабрдаги 08-09/12148-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши бачадон бўйни рак олди касалликларини онкологик трансформациясини олдини олиш мақсадида, молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида замонавий ташхислаш, прогнозлаш ва индивидуал даволаш усулларини аниқлашга ва самарадорлигини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро илмий анжумандава 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 200 бетда компьютер матнида баён қилинган бўлиб, кириш, 5 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шархи»** деб номланган биринчи бобидабачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг патогенези, тарқалиши, этиологияси ва цитоморфологияси шунингдек, унинг ривожланиши, ташхисланиши ва даволашда молекуляр-генетик омилларнинг ахамиятига оид замонавий илмий тадқиқотлар атрофлича таҳлил этилган.

Диссертациянинг **«Материаллар ва тадқиқот усуллари»** деб номланганиккинчи бобида ишни бажаришда қўлланилган клиник, молекуляр-генетик ва математик тадқиқот усуллари баён этилган.

18 ёшдан 45 ёшгача бўлган 391 нафар фертил ёшдаги аёллар текширилди, шу жумладан 226 нафари CIN билан касалланган беморлар ва 165 нафар соғлом аёллар назорат гуруҳини ташкил этдилар (1-расм).



1-расм. CIN оғирлик даражасига қараб ёш бўйича тақсимоти, abs.

Беморлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги баённомаси (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимида тиббиёт муассасаларида гинекологик касалликларни ташхислаш ва даволаш стандартлари ССВ ЎзР, 2017 йил) асосида бажарилган.

Ҳаёт тарихи, репродуктив ва гинекологик анамнез, шикоятлар, репродуктив функция, ижтимоий ҳолат, касалликнинг давомийлиги, онкологик патология бўйича ирсий мойиллик, контрацепция усуллари, жинсий ҳаётнинг бошланиш вақти ва жинсий ҳамроҳлар сони, зарали одатлар яъни чекиш, соматик патологиянинг мавжудлиги ва оғирлик даражаси ўрганилди. Кўзгуларда бачадон бўйни визуал текшируви, цитологик, бактериологик ва жинсий йўл билан юқувчи инфекцияларнинг ПЗР текширувлари, бачадон бўйнидан олинган суртмаларнинг онкоцитологик текшируви, кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текширувлари ҳамда кольпоскопик кўрсаткичларни ҳисоблаш текширувлари ўтказилди.

Кольпоскопик натижаларни баҳолашда 2002 йил, июнь ойида Барселонада бўлиб ўтган Бутунжахон конгрессида IFCPC Номенклатура қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилган Халқаро кольпоскопия ва бачадон бўйни патологияси федерацияси (IFCPC) таснифи қўлланилди. Олинган натижалар кольпоскопия ибораларининг Халқаро таснифига мослаштирилди (2011 йил, июль, Рио-де-Жанейро).

Ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ тирсак венасидан олинган қон намуналари **молекуляр-генетик тахлил учун материал бўлиб ҳисобланди**. Суюқ қондан геномик ДНКни ажратиш «Ампли Прайм Рибо-преп» (ООО «Некст Био», Россия) илмий- ишлаб чиқариш компаниясининг стандарт тўпламининг реактивлари Applied Biosystems 2720 термоциклерида, НПФ «Литех» тўпламларидан фойдаланган холда электрофоретик аниқлаш билан аллелга хос полимераза занжири рекцияси (ПЗР) ёрдамида амалга оширилди.

CIN генетик маркерларини ўрганиш номзод генларда амалга оширилди, генетик жихатдан аниқланган полиморбид патология, шу жумладан гинекологик касалликлар (эндометриоз, бачадон ва тухумдон саратони) липидлар алмашинуви ва оксидловчи стресс (CYP1A2, SULT1A1), хужайралараро хужайра матрицаси фаолияти (MMP-1) ва ўсма ўсиши оқсил-супрессорлари (TP53 C/T и TP53 Arg72Pro) жараёнлари билан боғлиқ.

Клиник текширишлар ва молекуляр-генетик тест натижаларини хисобга олган ҳолда, CINни даволашда инвидуал ёндашувлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Бачадон бўйни интарэпителиал неоплазия билан касалланган клиник ва генетик жиҳатдан бир хил бўлган 2 гуруҳдаги беморларда даволаш олиб борилди.

Иккала гуруҳдаги беморлар анъанавий даво, таркибида кремний диоксиди ва селенни ўз ичига олган 5.0 мл маҳаллий қўлланиладиган гель, шунингдек цитопротектив таъсирни ошириш, вирусли инвазиянинг олдини олиш ва камайтириш, ОПВ инфекциясининг фаоллиги ва кўпайишини олдини олиш, ўзига хос бўлмаган иммунитетни рағбатлантириш мақсадида, таркиби гексоза гликозиддан иборат бўлган (Solanum

Tuberosum ўсимлигининг куртаклари экстракти) инъекциясини схема бўйича қабул қилганлар.

67 бемордан иборат 1-асосий гуруҳ, анъанавий даво усули билан бирга, шифокор-интернистлар билан келишилган ҳолда патогенетик йўналтирилган фермент ва антиоксидант препаратлар билан даволандилар (1-жадвал).

65 бемордан иборат 2-назорат гурухига анъанавий даво усули қўлланилди.

Даво усулларининг клиник самарадорлиги умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ “аъло”, “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” деб баҳоланди.

Статистик ишлов бериш Statistical Package for the Sicial Science (SPSS) дастурининг 13.0 версияси (SPSS Inc., Chicago, Illinois, AQSH) ёрдамида амалга оширилди. Миқдорий ўзгаришлар (нормал тақсимланган) ўртача ва стандарт оғиш ёрдамида тавсифланган ва дисперсия таҳлили ёрдамида гуруҳлар ўртасида таққосланган. Сифатли ўзгаришлар фоизларда ифодаланган ва гуруҳлар ўртасидаги фарқлар x^2 тести, шунингдек, тенденциялар учун x^2 тести ёрдамида таҳлил қилинган. Статистик тестлар икки томомнлама бўлиб, $P<0,05$ қиймати статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди.

1-жадвал

Генетик полиморфизмларнинг клиник таъсирига (CYP 1A2, SULT 1A1, TP53, TP53 Arg72Pro va MMP-1 генларининг полиморфизми) ва касбларарo ўзаро таъсирига мувофиқ CINнинг патогенетик йўналтирилган даволаш усуллари

Полиморфизм ва полиморфизм комбинациялари, CIN ривожланишидаги аҳамияти	Экспрессия маҳсулоти	Юзага келган самара	Мутахассисларарo боғлиқлик	Патогенетик даво
Ген SULT 1A1 локус G-638A: **Аллель А; гомозиготали мутант генотип А/А**	**G→A гуанин аденинга**	Эстрогенлар метаболитлари детоксикациясининг 2-фазаси 1А1 сульфотрансфераза ферменти фаоллигининг ва эстроганлар ва улар метаболитлари-гиперэстрогенемия инактвациясининг сусайишига олиб келади	Онколог-эндокринолог	Гормонотерапия
Ген CYP 1A2 локус С-734А: **Аллель А; гомозиготали мутант генотип А/А**	**С→А цитозин аргининга**	Эстрогенлар метаболитлари детоксикациясининг 1-фазаси. цитохром Р450 ферменти гидроксиллантшт ёрдамида. Эстроген-гиперэстрогенемия метаболизмининг ортишига олиб келади	Онколог-эндокринолог + антиоксидант даво	Гормонотерапия Антиоксидант даво
Ген TP53 локус Arg72Pro: **Аллель Pro; мутант гомозиготали генотип Pro/ Pro**	**Arg→Pro аргинин пролинга**	Экспрессия мутантного белка с проонкоген хусусиятга эга бўлган Р53 мутант оқсилнинг экспрессияси - канцерогенез	Онкогинеколог	Гормонотерапия
Ген TP53 локус rs 17884159: **Аллель Т: гетерозиготали генотип СТ гомозиготали мутантгенотип Т/Т**	**С→Т цитозин тиминга**	TP53онкосупрессор мутант оқсили вирус онкогенлари билан таъсири онкотрансформацияни–канцерогенезни келтириб чиқаради	Онкогинеколог	Гормонотерапия
Ген MMP-1 локус 1607: **Аллель 1G/2G rs 1799750: мутант гомозиготали генотип 2G/2G**	**1G→2G қўшимча гуанин**	Коллаген синтезининг бузилиши экстрацеллюляр матрикс шаклланишининг ва ҳужайралар базал мембраналари, коллаген I ва IV турлар синтезининг камайиши–ҳужайраларарo матрикслар тизимининг бузилиши	Онкогинеколог ва эндокринолог	Фермент воситалар

CIN билан касалланган ва назорат гуруҳидаги беморлар, ўрганилаётган полиморфизмларнинг кутилган ва кузатилган полиморфизм частоталари Харди-Вайнберг тақсимоти бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг **«Цервикал интраэпителиал неоплазиянинг клиник тавсифи ва унинг ирсий детерминацияси»** деб номланган **учинчи боби**да ўрганилаётган беморлар контингентининг клиник текширув натижалари, ўрганилган омилларнинг CIN ривожланиш хавфига таъсири ҳамда унинг ирсий детерминизацияланиши баҳоланган.

CIN бўлган ва бўлмаган (назорат гуруҳи) беморларнинг ижтимоий ҳолатифақат ижтимоий ҳолат кўрсаткичлари бўйича маълум тафовутга эга бўлди: CIN билан кўпроқ мутахассис ишчи аёллар (OR=4,1); шунингдек таълимнинг паст даражасига эга бўлган аёллар касалланган (OR=1,6). Таъкидланишича, чекиш давомийлиги ва интенсивлиги CIN келиб чиқиш хавфига сезиларли таъсир қилган. Умуман олганда популяция бўйича чекиш CIN ривожланиш хавфини 2,2 марта оширади (OR=2,2).

Анамнез таҳлилида, ҳомила тушишидан кейинги асоратлар CIN келиб чиқиш хавфига сезиларли таъсир кўрсатиб, хавфни 7,6 мартага оширади; ҳомила тушишидаги хавф 5,8 га тенг; анамнезда 3 мартадан ортиқ абортлар - 5,3; туғруқдан кейинги асоратлар -3,8 марта; 4 марта туққанда эса хавф 2,6 мартага тенг эканлиги кузатилади. Умуман олганда оғирлашган анамнез кўрсаткичлардан биттаси бўлганда CIN ривожланиш хавфи - 2,7 марта; анамнезда 2 та хавф омили бор бўлса -4,9 марта; 3 та ва ундан ортиқ омил бўлса 5,6 мартага ошади.

CIN кузатилган беморлар жинсий ҳамроҳларини 3 мартагача алмаштирганда хавф 2 марта, контрацепция қўлланилмаганда хавф 2,2 марта; узилган жинсий алоқа усулини қўлашда 3,6 марта; перорал контрацепция қўлланганда 1,6 мартага ортади.

CIN кузатилган беморларда онкологик патология бўйича ирсийлик генетик компонентлар кузатилган касалликлар учун хосдир. Қариндошлик ортиши билан онкологик патология ҳолатларининг ортиши кузатилади. Онкологик касалликка чалинган беморларнинг максимал улуши биринчи даражадаги қондошлар –ота-оналари ва яқинлари (ака –ука ваопа-сингиллар) орасида аниқланди. Онкологик патологиянинг максимал частотаси назорат гуруҳидагиларга – 1,8% нисбатан бу гуруҳда оналарда - 11,1% (OR=6,7); оталарда 5,5% қарши 1,2% (OR= 4,6) аниқланди.

Аёл қондошликда бачадон бўйни саратони ташхиси бўйича ирсийлик кузатилган беморларнинг ўзаро муносабат таҳлили кўрсатишича, CIN кузатилган беморларнинг оансида кўп ҳолатда бачадон бўйни саратони кузатилди: назорат гуруҳида 1,2% қарши 4,9% (OR=4,2); опа –сингилисида ва бувиларида бачадон бўйни саратонибир хил 2,2% қарши 0,6% (OR=3,2) ҳамда иккинчи яқин қариндошида (холалари) бир оз паст 4,4% қарши 0,6% (OR=3,1).

Шубҳасиз, оила анамнезида бўлган CIN профилактика стратегияси ошган хавф гуруҳининг шаклланиш мезонларидан бири сингари самарали бўлади.

Ген полиморфизмлари умумийлиги ва бачадон бўйни онкологик патологияси ривожланишининг ягона механизмлари ББС ни ўзига хос эрта индивидуал профилактикаси дастурини ишлаб чиқишга назарий замин яратади.

Цервикал интраэпителиал неоплазия кузатилган беморларни клиник текширув натижалари ташхислаш ва башорат қилишда йирингли ажралма (OR=2,5) важуда кўп миқдорда ажралма ажралиши (OR=3,8); ҳайз фаолиятининг бузилиши (OR=1,6); оғриқли ҳайз келиши (OR=2,4) жуда муҳимлигини кўрсатди.

Бачадон бўйни кольпоскопик ўзгаришларининг клиник кўриниши клиник ташхисланган визуал ўзгаришлардан патологик жараён намоён бўлмаслигигача ўзгариб турди. Кенгайган кольпоскопия неоплазия оғирлиги ва кольпоскопик ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлади.

Меъёрий кольпоскопик кўриниш (NILM) фақат назорат гуруҳида қайд этилди. CIN кузатилган барча беморларда кольпоскопик кўриниш бузилиши ҳар хил оғирликда эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Цервикал интерэпителиал неоплазиянинг турли оғирлик даржасидаги беморларда кольпоскопик текширишларнинг натижалари

CIN кузатилган беморларда юқори статистик аҳамиятга эга қин ва цервикал канал, бачадон бўйнининг турли патологиялари, қиёслаш гуруҳининг энг яхши кўрсаткичлари, касаллик ривожланиш хавфибилан ассоциацияланганлиги аниқланди: лейкоплакия (OR=8,4); бачадон бўйни эрозияси (OR=3,4); вагинит – (OR=11,1); цервицит (OR=6,3); асоратланган эктропион (OR=11,1) бачадон бўйнининг чандиқли деформацияси; цервикал канал полиплари (OR=1,8), бачадон бўйни ва қиннинг 2 ёки ундан ортиқ касалликларининг бирга келиши қайдэтилди: бачадон бўйнининг чандиқли деформацияси лейкоплакиянинг бирга келиши (OR=7,3); лейкоплакиява

цервицит мос ҳолда (OR=5,9) лейкоплакия ва вагинитнинг бирга келиши (OR=7,9) кузатилди.

Бачадон ва ўсимта касаллиги тузилишида эндокрин тизим фаолиятининг бузилиши билан кузатилган патология устунлик қилди. Ўрганилган беморлар контингенти орасида миоманинг тарқалганлиги назорат гуруҳидаги10,3%га қарши 19,9% ни ташкил қилди (OR=2,2); аднексит мос ҳолда 6,1%га қарши 15,5% (OR=2,8); тухумдонлар поликистози 10,9%га қарши 19,5% (OR=1,9) ва назорат гуруҳида эндометриоз 11,5% га қарши 22,6% беморда аниқланди (OR=2,2).

Кўпинча ҳайз кўриш циклининг бузилиши: (OR=2,8); полименорея (OR=3,5); опсоменорея (OR=1,8) ва альгодисменорея (OR=2,1) қайд этилди.

Аниқланишича, CIN ривожланишида ОПВ билан зарарланишда урогенитал инфекция, цитомегало - ва герпес вируслари қўзғатувчиларининг ўзаро таъсирида амалга ошади.

CIN келиб чиқиш хавфига урогенитал инфекция билан ОПВ ассоциацияси (OR=35,3); ОПВ 16/18 ёки 31/33 турининг аниқланиши (OR=24,4); цитомегаловирус билан ОПВ ассоциацияси (OR=23,4); ОПВ ассоциацияси 16/18 (OR=21,9); ОПВ 16/18 (OR=13,5); Herpes symp.virus билан ОПВ (OR=7,9); ОПВ нинг 31/33тури (OR=6,6) сезиларли таъсир кўрсатади.

CIN ривожланиш хавфида бачадон бўйни ясси эпителийсининг морфологик аҳамияти исботланган. ASC-US CIN ривожланиш хавфини 2,2 марта: ASC-H – 23,9 марта: LSIL –3,3 марта ва HSIL –15,1 марта оширади.

Қин тозалигининг II даражаси касаллик ривожланиши 5,6 марта; III даражасида –4,5 марта; IV даражасида эса 5,2 марта ошган.

CIN ривожланиш хавфига қалқонсимон без патологиялари сезиларли таъсир кўрсатади: тиреотоксикоз –1,5 марта; гипотиреоз –1,4 марта; сут бези касалликлари 3,2 марта; жумладан фиброз-кистоз мастопатия –3,5 марта; фиброз мастопатия 1,2 марта; сут бези саратони –1,5 марта.

CIN ривожланиш хавф омиллари ҳақидаги маълумотлар таҳлили ОПВ онкоген потенциали иммун-метаболик, эндокрин ватрофик жараёнларга моделлаштирувчи таъсир кўрсатувчи кўплаб хавф омилларининг комплекс таъсирида амалга ошади. Шу билан бирга ҳар қандай аниқ ҳолатда патология ривожланиш омилларнинг ўзига хос бирга келиши туфайли содир бўлади, уларнинг ўзаро таъсири нафақат юзага келиш хавфини, балки патологиянинг клиник кечиш оғирлигини ҳам аниқлайди.

Диссертациянинг «**Цервикал интраэпителиал неоплазиянинг клиник фенотипи ва ривожланиш хавфида генетик полиморфизмлар ва уларнинг комбинацияси ўрнининг таҳлили»** деб номланган тўртинчи бобида 5 номзод генлар полиморфизмлари, CIN билан патогенетик боғланган экспрессия маҳсулотларини текшириш натижалари ёритилган.

Назорат гуруҳида CIN кузатилган беморларда алоҳида генларнинг генотиплари ва аллел полиморфизмлари таҳлили таққосланаётган гуруҳлар ўртасида CIN патогенезида алоҳида полиморфизмлар иштирокини кўрсатувчи фарқни кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

CIN билан боғлиқ полиморф ген маркерларининг аллеллари ва генотипларининг частотаси, abs /%

Аллель Генотип	Асосий гуруҳ, n=226	Назорат гуруҳи n =165	x^2 P	OR 95% CI	Ишончлиги CIN, %
Ген CYP 1A2 C-734					
Аллель А	34,4/76,1	249/75,6	0,1 P>0,05	1,0 0,8-1,5	64,8
Генотип А/А	137/60,6	97/58,8	0,133 P>0,05	1,1 0,7-1,6	64,9
Ген SULT 1A1 G-638A					
Аллель А	217/48,0	119/36,1	10,7 P<0,002	1,6 1,2-2,1	67,0
Генотип G/A	99/43,8	67/40,6	0,4 P>0,525	1,1 0,8-1,7	65,7
Генотип А/А	59/26,1	26/15,8	6,0 P<0,015	1,9 1,1-3,2	73,2
Ген TP53 C/T rs 17884159					
Аллель Т	54/11,9	17/5,15	10,7 P<0,002	2,5 1,4-4,4	73,1
Генотип С/Т	48/21,2	17/10,3	8,2 P<0,005	2,3 1,3-4,1	77,2
Генотип Т/Т	3/1,3		2,2 P>0,138	2,3 1,3-4,1	100,0
Ген TP53 Arg72Pro					
Аллель Pro	214/47,4	124/37,6	7,4 P<0,007	1,5 1,1-1,9	66,6
Генотип Pro/Pro	58/25,7	23/13,9	7,9 P<0,005	2,1 1,3-3,6	74,9
Ген MMP-1 (MMP-1607) 1G/2G					
Аллель 2G	220/48,7	97/29,4	29,4 P<0,001	2,3 1,7-3,1	69,3
Генотип 1G/2G	94/41,6	59/35,8	1,4 P>0,243	1,3 0,8-1,9	66,5
Генотип 2G/2G	63/27,9	19/11,5	15,4 P<0,001	2,9 1,7-5,2	78,7

